

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017 Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ФАЙЗИМАТОВ ШУҲРАТ НУМАНОВИЧ

**АЭРОДИНАМИК ҲАРАКАТ ТАЪСИРИДА МАШИНАСОЗЛИК
КОРХОНАЛАРИДАГИ ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРНИ
АВТОМАТЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

**05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва
бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Файзиматов Шухрат Нуманович

Аэродинамик ҳаракат таъсирида машинасозлик корхоналаридаги
технологик жиҳозларни автоматлаштириш концепциялари ва
методологияси 3

Файзиматов Шухрат Нуманович

Концепции и методология автоматизации технологического
оборудования машиностроительного производства на основе
аэродинамического эффекта..... 29

Fayzimatov Shuhrat Numanovich

Conception and methodology of the technological tools at mechanical
engineering ventures on the impact of aerodynamic movement 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ФАЙЗИМАТОВ ШУҲРАТ НУМАНОВИЧ

АЭРОДИНАМИК ҲАРАКАТ ТАЪСИРИДА МАШИНАСОЗЛИК
КОРХОНАЛАРИДАГИ ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРНИ
АВТОМАТЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1.DSc/T32 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ва “ZiyoNet таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мамаджанов Алишер Мамаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турсунов Бахтиёр Мухамеджанович
техника фанлари доктори, профессор

Исмаилов Мирхалил Агзамович
техника фанлари доктори, профессор

Марахимов Авазбек Рахимович
техника фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017 Т.03.02 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871)2464600, (99871)2271032, e-mail: tstu_info@edu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси 2 уй. Тел./факс: (99871) 2460341).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(201_ йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Р. Юсупбеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

Ш.А. Тураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

М.М. Мухитдинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётида автоматлаштириш соҳасида энергия ва ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни тежайдиган технология ва техника воситаларини яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариш саноати фаолияти ва уларда технологик жараёнларни назорат қилиш ҳамда бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда замонавий илмий-техник тараққиётининг ривожланиши концепцияси саноатнинг барча тармоқларида юқори унумдорликка эга, ишончли, тежамкор технологик жиҳозларни яратишда замонавий технологияларни кенг кўламда қўлланишини таъминлаш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада ривожланган чет эл мамлакатларида, яъни АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Россия ва бошқа давлатларда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун машинасозлик корхоналарида технологик жараёнларни бошқариш ва автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда технологик жиҳозларни автоматлаштиришда ноанъанавий усуллардан фойдаланиб янги турдаги жиҳозларни лойиҳалашни фундаментал тадқиқотлари асосида ечилаётган масалалар кўламига боғлаш ва комплекс автоматлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, жумладан автоматлиштирилган технологик жиҳозларда маҳсулот сифатини, юқори ишончлилик ва самарадорликни таъминловчи аэродинамик ҳаракати таъсиридаги технологик жиҳозларни автоматлаштириш, уларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқиш, бошқариш жараёнларини техник ва дастурий воситаларини, бошқариш алгоритмлари асосида пардозловчи-мустаҳкамловчи ишлов бериш параметрларини оптималлаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришганидан буён энергия сарфини камайтириш ва юқори самарадорликка эга бўлган техника ва технологияларни ишлаб чиқариш ҳамда бошқариш тизимларини яратишда технологик жиҳоз ва қурилмаларнинг унумдорлиги ва юқори ишончлилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан аэродинамик ҳаракатли автоматлаштирилган технологик жиҳозларни яратишда сезиларли натижаларга эришиб келинмоқда ва уларнинг бошқарув тизимларини такомиллаштириш, энергия тежамкор қурилмалар, техник восита ва технологияларни такомиллаштириш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларида Ўзбекистон Республикасини янадан ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётни модернизациялаш асосида унинг рақобатдошлигини оширишнинг стратегик йўналишларини янада такомиллаштириш»¹ вазифаси

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга оширишда аэродинамик ҳаракатли автоматлаштирилган технологик жихозларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, уларни унумдорлигини, ишончилигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда диссертация тадқиқотида олинган натижалар маълум даражада хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017-2021 йилларига мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегияси», 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги, 2014 йил 4 февралдаги ПҚ-2120-сон «2014-2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Аэродинамик ҳаракат таъсирида автоматлаштирилган жихозлар, усуллар технологик жараёнларни яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан University of Illinois at Chicago (АҚШ), the Louvain Catholic Institute of Belgium (Белгия), University Cantenbury (Янги Зеландия), Hitachi, Mitsubishi Electric (Япония), Siemens (Германия), Wuhan University (Хитой), Самара Аэрокосмик университети, Москва энергетика институти, Москва давлат техника университети, Қозон университетларида (Россия), Тошкент давлат техника университетида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Аэродинамик эффект натижасида қизитиш, уюрмали трубаларда совуқ ва иссиқ ҳаволарни алоҳида ажратиш қурилмаларини яратиш, уларни такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: уюрмали қувурларда ҳаво оқимини совуқ ва иссиқ ҳаволарга ажратиш қурилмаси яратилган (Воронеж давлат технологик академияси, Россия), рангли кинескоплар ичини майда чиқиндилардан тозалаш қурилмаси яратилган (Львов политехника институти, Украина), учиш аппаратларининг динамик тавсифларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (Харьков авиация институти, Украина), цилиндрсимон деталларини йиғиш жараёнларини такомиллашган қурилмаси ишлаб чиқилган (“ЭНИИМС”, “ЦНИИТМаш”, Россия), резьбали бирикмаларнинг

² Электронный журнал «Упрочнение и обработка деталей», №5,2016(<http://www.mashin.ru>)

сифатини назорат қилиш воситаси яратилган (Москва давлат техника университети, “СТАНКИН”, Россия).

Дунёда замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида аэродинамик ҳаракат таъсирида автоматлашган технологик жиҳозларни яратиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларида тақиқотлар олиб борилмоқда: цилиндрсимон деталларнинг ички юзаларига ишлов берадиган энергия тежамкор технологияларини яратиш; текис юзали деталларни технологик жиҳозларга ишончли юклайдиган қурулмаларни яратиш; майда донадор деталларни технологик жиҳозларга узатиш ва уларни тармоқларга бўлиш ускунасини ишлаб чиқиш; парчин миҳларни вертикал тешиқларга ўрнатиш ускунасини яратиш; объектларни автоматлаштирилган бошқаришнинг инструментал воситасини яратиш; экспериментал тадқиқотлар асосида ишлов беришда ишлатиладиган жиҳозларнинг конструкциясини заиф жойларини кучайтириш усулини ишлаб чиқиш.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқаришнинг илмий асослари Шаумян Г.А., Волчкевич Л.И., Проников А.С., Дащенко А.И., Юсупбеков Н.Р., Игамбердиев Х.З., Гулямов Ш.М., Мамаджанов А.М., Муминов Н.М., Марахимов А.Р. ва бошқа олимларнинг ишларида келтирилган. Цилиндрсимон деталларга яқунловчи-пардозловчи ишлов беришнинг автоматлаштириш ва бошқаришнинг илмий асослари Балтер М.А., Кудрявцев И.В., Кулаков Ю.М., Киричек А.В., Зоткин В.Е., Одинцов А.Г., Проскуряков Ю.Г., Петросов В.В., Папшев Д.Д., Степанова Т.Ю., Саверин М.М., Торбило В.М., Фельдман Я.С., Шнейдер Ю.Г., Ящерицин П.И. ва бошқаларнинг ишларида келтирилган. Ингичка уюрмали оқимларнинг илмий асослари Абрамович Г.Н., Герц Е.В., Гольдштик М.А., Левчука Д.М., Меркулов А.П., Сутин А.И., Бубнов В.А., Исупов Г.П., Овсянников Б.Ю., Сентяков Б.А., Стегачев Е.В., Кристаль М.Г., Проць Я.И. ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Аммо илмий нашрларда юпқа деворли цилиндрсимон деталларнинг ички юзаларига яқунловчи-пардозловчи ишлов бериш масалалари етарли даражада кўриб чиқилмаган.

Ишлаб чиқаришда текис юзали деталларни технологик жиҳозларга узатиш учун ҳар хил қамровчи ускуналардан иборат бўлган автоматик манипуляторлардан фойдаланилади. Аммо ҳозирда мавжуд усуллар ва конструкцияларнинг қамровчи қисмини сўрғичида керакли бўлган сўриш даражасини ҳосил қилишни иложиси йўқлигидан уларни юк кўтариш қобилияти чегараланган. Машинасозлик корхоналарида автоматлаштирилган технологик жиҳозларга майда донадор деталларни транспортировка қилувчи мавжуд итарувчи ва сўрувчи пневмотранспорт қурилмалари керакли пухталиққа эга эмаслар. Бурилиш жойларда деталларни тикилиб қолиши, эзилиши содир бўлиши мумкин. Самолётсозликда тешиқларга парчин миҳни ўрнатувчи мавжуд қурилмалар горизонтал ўқ бўйича жойлашган тешиқларга парчин миҳларни ўрнатишда талаб этилган унумдорликни ва ишончилиқни бера олмаяпти.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ечими айланма ҳаво энергиясига асосланган замонавий усуллардан фойдаланишдир. Аэродинамик ҳавонинг технологик кўлами кенглигини инобатга олиб мазкур ишнинг йўналиши технологик жараёнларни автоматлаштиришда аэродинамик ҳаво оқимига асосланган янги усулларни ва қурилмаларни ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф5-005 «Технологик жараёнларга механик ишлов берувчи рақобатбардош ва юқори самарадорликга эга бўлган илмий усулларга асосланган ўлчов анжомлари, диагностика ва назорат» (2007-2010), ГНТП-20 «Металларни кесиш жараёнини башорат қилиш ва назорат, диагностика асосида машина деталларига механик ишлов беришни бошқарув программаси ва техник анжомлар, усуллар, замонавий маълумот тизимларини яратиш» (2011-2014) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда аэродинамик ҳаракатдаги автоматлаштирилган технологик жиҳозларни лойиҳалаш ва яратишнинг илмий-назарий асосларини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аэродинамик ҳаракат таъсири ёрдамида цилиндрсимон деталларга яқунловчи-пардозловчи ишлов берадиган автоматлаштирилган технологик жиҳозларни лойиҳалаш ва яратишнинг концепциясини ишлаб чиқиш;

деформацияловчи элементга (шар) ҳаво оқимининг ўзаро таъсирини назарий таҳлили асосида яқунловчи-пардозловчи автоматлаштирилган технологик жараённи физик моҳиятини аниқлаш;

аэродинамик ҳаракат таъсирида автоматлаштирилган технологик жиҳозларда ишлов берилаётган юзани шакллантириш жараённинг боришини энг мақбул шароитини аниқлаш, ишлов бериладиган деталнинг физик-механик хоссалари ва чиқиш характеристикалари ўртасидаги боғланишни ўрнатиш;

вертикал ҳамда горизонтал ўқ бўйича тешиқларга парчин миҳ ўрнатувчи, майда дондор буюмларни узатиш ва уларни тармоқлар бўйича тарқатадиган автоматлаштирилган ускуналар конструкциясини илмий-назарий асосларини яратиш.

цилиндрсимон деталларга яқунловчи-пардозловчи ишлов берувчи аэродинамик ҳаракат таъсири ёрдамида ишловчи автоматлаштирилган қурилмаларнинг конструктив параметрларини ҳисоблашни назарий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида цилиндрик деталларга пардозловчи-мустаҳкамловчи ишлов бериш, машинасозлик ишлаб чиқаришида майда донали маҳсулотларни ташиш ва йиғишда автоматлаштириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети аэродинамик ҳаракатдаги оқимидан фойдаланган ҳолда цилиндрсимон деталларга пардозловчи-мустаҳкамловчи ишлов бериш, текис юзали деталларни юклаш, майда донадор деталларни транспортировка жараёнларни автоматлаштириш тизимларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида унумдорлик назарияси, газ динамикаси, уюрмали оқим аэродинамикаси, технологик тизимларни бошқариш усуллари, адаптив бошқарув тизимлари, математик моделлаштириш, автоматик моделлаштириш назарияси ва оптималлаштиришни замонавий усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аэродинамик ҳаракат таъсири ёрдамида цилиндрсимон деталларга яқунловчи-пардозловчи ишлов берадиган автоматлаштирилган технологик жиҳозларни лойиҳалаш ва яратишнинг концепцияси ишлаб чиқилган;

деформацияловчи элементга (шар) ҳаво оқимининг ўзаро таъсирини назарий таҳлили асосида яқунловчи-пардозловчи автоматлаштирилган технологик жараёни физик моҳияти аниқланган;

аэродинамик ҳаракат таъсирида автоматлаштирилган технологик жиҳозларда ишлов берилаётган юзани шакллантириш жараёнининг боришини энг мақбул шароитини аниқлаш, ишлов бериладиган деталнинг физик-механик хоссалари ва чиқиш характеристикалари ўртасидаги боғланиш ўрнатилган;

вертикал ҳамда горизонтал ўқ бўйича тешиқларга парчин миҳ ўрнатувчи, майда донадор буюмларни узатиш ва уларни тармоқлар бўйича тарқатадиган автоматлаштирилган ускуналар конструкциясини илмий-назарий асослари яратилган;

цилиндрсимон деталларга яқунловчи-пардозловчи ишлов берувчи аэродинамик ҳаракат таъсири ёрдамида ишловчи автоматлаштирилган қурилма яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ҳамда тажриба изланишлар натижаларининг ўзаро мос келиши, олиб борилган кўп илмий изланишларнинг назарий асосларини бажарилиши, цилиндрсимон деталларга яқунловчи ишлов беришнинг концепцияси ва методологиясини қўлланилиши, тадқиқотнинг апробация қилинган усуллари ва алгоритмларини ишлатилиши, назарий ва амалий тадқиқотларда олинган натижалар ва уларнинг ўзаро бир-бирига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти аэродинамик ҳаракат таъсирида машинасозлик корхоналаридаги технологик жиҳозларни автоматлаштириш концепцияси ва методологияси, аэродинамик ҳаракатлар асосида автоматлаштирилган технологик жиҳозларни лойиҳалаш ва яратишнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти цилиндрсимон деталларнинг ички юзаларига пардозловчи-мустаҳкамловчи ишлов берувчи аэродинамик ҳаракатли автоматик жиҳозлар, майда донадор буюмларни

транспортировка қилиш ва тақсимлаш учун юқори унумдорли автоматлашган технологик ускуналар, текис буюмлар учун вакуум ушлатичлар, вертикал ва горизонтал (бўйлама ва кўндаланг) ўқли тешиқларга парчинлар ўрнатувчи технологик ускуналарни лойиҳалаш ва ҳисоблаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Аэродинамик ҳаракат таъсирида машинасозлик корхоналаридаги технологик жиҳозларни автоматлаштириш концепциялари ва методологияси бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

аэродинамик ҳодисалар асосида цилиндрсимон деталларга пардозловчи-мустаҳкамловчи ишлов бериш қурилмалари конструкцияси «Farg'onaazot» АЖ ишлаб чиқариш корхонасида жорий қилинган («O'zkiyosanoat» АЖнинг 2017 йил 8 август № 01-4216/П-сонли жорий этилиш маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларини қўллаш меҳнат сарфини 15% га камайиш имконини яратган;

аэродинамик пардозловчи-яқунловчи усули усул, алгоритм ва контакт кучланишларини аниқловчи дастурий воситаси Farg'onaazot» АЖ ишлаб чиқариш корхонасида жорий қилинган («O'zkiyosanoat» АЖнинг 2017 йил 8 август № 01-4216/П-сонли жорий этилиш маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларини қўллаш жараёнида унумдорликни 4-5 мартага ошириш имконини берган;

гидроцилиндр ва втулкалар учун пардозловчи-мустаҳкамловчи қурилманинг модели яратилган («O'zkiyosanoat» АЖнинг 2017 йил 8 август № 01-4216/П-сонли жорий этилиш маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларини қўллаш бошқа турдаги деталларга ишлов бериш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 28 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 57 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 1 монография, 25 та мақола, 28 та маъруза, 1 та патент ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши: Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этади, шундан 78 та расм, 9 та жадвал, 111 та номли адабиётлар рўйхати ва 2 та илова.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, илмий ишнинг мақсади ва асосий вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги, мавзунинг илмий янгилиги ва ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот

натижаларининг жорий қилинганлиги ҳақида ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Технологик жиҳозларни автоматлаштиришнинг ривожлантириш концепцияси ва методологияси**» деб номланган биринчи бобида машинасозлик корхоналаридаги юпқа деворли цилиндрсимон деталларнинг ички юзаларига пардозловчи – мустаҳкамловчи ишлов бериш, деталларни технологик жиҳозлар юклашда ишлатиладиган вакуум ушлагичлар (тутқичлар), горизонтал ўқда жойлашган тешикларга парчинларни ўрнатиш жараёнларини автоматлаштиришда, аэродинамик эффектни қўллашнинг, мавжуд усуллар ва воситалари таҳлил қилинган, илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб ёритилган.

Цилиндрсимон деталларни ички юзаларига қўйилган талабларнинг ортиши мавжуд ишлов бериш усул ва воситалари ёрдамида бажаришнинг иложиси йўқлиги ва уларни автоматлашиши қийинлиги асосланган. Юпқа деворли цилиндрсимон деталларнинг ички юзасига айланувчи шар билан ишлов бериш усулида ишлов берилаётган юза билан деформацияловчи элемент ўртасида қаттиқ контакт мавжудлиги билан характерланади. Қаттиқ элемент билан юзага ишлов бериш усулининг камчилиги детални катта юзаси бўйлаб деформацияни тарқалиши натижасида детал ўқи қийшайди, детал геометрияси ўзгаради ва ишлов берилаётган юзадаги ғадир-будурлиги нотекис тақсимланади. Юпқа деворли цилиндрсимон деталларни ишлаб чиқариш жараёнларида технологик чиқиш 60% ни ташкил этади. Технологик йўқотмалар ярим тоза йўниб кенгайтиришда 19% ни, деталга якуний ишлов беришда эса 21% ни ташкил этади. Бу йўқотмалар деталлар геометриясини ўзгариши, ишлов берилаётган юзанинг ғадир-будирлигининг нотекис бўлиши билан тушунтирилади. Бундан ташқари, ишлов берилаётган юзанинг материали қовушқоқ пўлат ва қотишмалардан иборат бўлса, ишлов бераётган текислагич (раскатник)нинг юза қатламига детал чиқиндиларини ёпишиб қолиши, ишлов бериш сифатининг пасайишига олиб келади.

Автомобил дискларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини белгиловчи муҳим жараёнлардан бири технологик қурилмаларга ясси заготовкаларни юклаш ҳисобланади. Ушбу жараёнлар учун турли типдаги ушлаш қурилмалари билан таъминланган автоматик манипуляторлар ишлатилади. Аммо мавжуд конструкцияларнинг қамраш қисмидаги сўргичда бўшлиқ етарли бўлмаслиги сабабли уларни юк кўтариш қобилиятини чегаралайди.

Пневматик транспорт қурилмалари механик турдаги қурилмаларга нисбатан ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори, саноат майдонларини тежаш, ишчилар учун ишлаш шароитини яхшилаш имконини беради. Босим билан сиқиб чиқариш ва сўриш типдаги мавжуд пневматик транспорт қурилмаларининг ишончлилиқ даражаси юқори эмас, айниқса, технологик жиҳозларга узатиб берувчи транспорт трубаларининг эгилиш жойларида маҳсулот тиқилиши ёки букилиб қолиш ҳолатлари мавжуд.

Машинасозликда ва асбобсозликда муаммоли ҳолатлардан яна бири горизонтал ва вертикал ўқларда жойлашган тешикларга парчин миҳларни


ўрнатиш ва цилиндрсимон деталларни йиғиш жараёнларини автоматлаштириш ҳисобланади. Шундай қилиб, аэродинамик оқим имкониятларини кенг қўллаш айти ишнинг йўналишини танлаш, технологик жараёнларни автоматлаштириш мақсадида аэродинамик таъсирли қурилмалар ва янги услубларни ишлаб чиқиш учун туртки бўлди.

Диссертациянинг «**Автоматлаштирилган технологик жараёнлар ва қурилмаларни яратишнинг методологиясини илмий асосланган ва шакллантирилган услубларини яратиш**» деб номланган иккинчи бобида ҳозирги вақтда аэродинамик ҳаракатдан қурилмаларда содир бўладиган жараёнларни физик ва математик қонуниятлари йўқлиги сабабли кейин олиб бориладиган тадқиқотлар босқичма-босқич олиб борилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган.


Биринчи босқичда биз танлаб олган ҳисоблаш схемасида аэродинамик ҳаво оқимини ҳаракатланиш қонунияти аниқланган ва унга жойлаштирилган эркин шарни ҳаво оқими билан туташуви кўриб чиқилган (1-расм), қурилманинг мумкин бўлган вариантлари ва автоматлаштирилган технологик жиҳозларни лойиҳалаш мақбул варианты танлаб олинган.

Қурилманинг ишлаш даврида ҳаво оқимини шар билан ўзаро туташуви кўриб чиқилиб уни юза қатламига кучли таъсири ва бошқарув факторларининг шарнинг айланиш частотасига таъсири ҳисобга олинган ҳолда уларни боғлиқлиги аниқланган. Қурилма ичида доимий айланма ҳаво оқими ҳосил қилинганлигини инобатга олиб уюрмали камера ичида жойлаштирилган шарга таъсир этувчи кучларни ҳосил бўлиши ва уларни кучини кўриб чиқамиз.

Ҳисоблаш схемасига (2-расм) асосан шарни айланиб ўтаётган ҳаво оқими икки қисмга: ўқ бўйича \bar{F}_z , цилиндрик трубани ўқи бўйича таъсир этувчи ва айланма \bar{F}_τ цилиндрик трубага уринма ҳолатда таъсир этувчига бўлинади. Ҳар иккаласи ҳам шарга ҳар хил таъсир этади. Ўқ бўйича ҳаракатлантирувчи оқим шарни труба ўқи бўйича, айланма ҳаракатлантирувчи оқим шарни айланиш частотаси бўйича ҳаво оқими тезлигига пропорционал равишда ва ўз ўқи атрофида айлантиради. Шарни айлана бўйича бир хил ҳаракатланишида унга марказдан қочма куч $\bar{F}_{цен}$ ва кориолис кучи $\bar{F}_к$ таъсир этади. Бундан ташқари, уюрмаланган ҳаво оқими радиусини камайиши ҳаво босимини камайишига олиб келади ва шарга нисбатан \bar{F}_q куч айланиш ўқи йўналиши бўйича таъсир этади (1,2-расмлар). Бу кучларни умумийси $\bar{F}_{рез}$ шарни цилиндрсимон труба деворларига маълум куч билан сиқади ва туташув нукталарида реакция кучларини ҳосил қилади.



1-расм. Цилиндрсимон юза билан шарни туташув нуктасидаги кучларни ҳисоблаш схемаси



2-расм. Шарга таъсир этувчи кучларни умумий схемаси

Уюрмаланган ҳаво турбулентли, юқори тезликли ва уч томонлама бўлганлиги учун уларни умумийсини аниқлаш анча мураккаб. Шунинг учун, $\bar{F}_{рез}$ шарни оғирлигидан ортиқ ва доимий муаллақ бўлган бир ҳолат кўриб чиқилади. Оқим томонидан шарга таъсир этиб ортидан олиб кетувчи F_μ , куч икки қисмга: ўқ ва айлана бўйича бўлиниши мумкин. Биз кўраётган ҳолат учун оқимни ўқ бўйича ҳаракатланиши:

$$F_\mu \sin \alpha = P,$$

бу ерда P - шарнинг оғирлик кучи

Умуман олганда, оқим томонидан шарга F_μ , магнус кучи таъсир қилади ва қуйидагича ифодаланади:

$$F_\mu = C_x \cdot \pi \cdot r_\omega^2 \cdot \rho_n \cdot \frac{V_{отн}^2}{2} \quad (1)$$

Цилиндрик труба билан шарнинг ўзаро боғланиши натижасида уларнинг туташув нуктасида реакция N кучи ҳосил бўлиб шар маркази йўналиши бўйича труба юзасига нормал кўринишда таъсир этади ва шар ҳаракатини тесқари томонига йўналтирилган ишқаланиш $F_{тр}$, кучи ҳосил бўлади.

Шарнинг цилиндрик труба билан туташув нуктасига юмалаб ишқаланиш моменти таъсир этади. Перпендикуляр текисликда жойлашган труба ўқига цилиндрик труба билан шарнинг туташувида ҳосил бўлган кучлар схемаси (2-расм) да келтирилган.

$$F_{тр} = N \cdot K_{тр.кач} \quad (2)$$

Цилиндрсимон труба билан шарнинг туташувида аниқланган шарга таъсир этувчи кучларни схематик кўриниши (2-расм) да ифодаланган.

Ҳамма кучларни X ва Y ўқларга проекциялаб олинган таҳлиллар асосида шарни бир текис айланиш ҳолати учун кучлар тенгламасини тузамиз. Умумий ҳолда ўқ координаталаридан куч проекцияси қуйидагича ечилиши мумкин:

$$\begin{aligned} \sum F_y &= 0, & F_{тр} &= F_\mu \\ \sum F_x &= 0, & N &= F_\mu - F_k - F_{маг} - F_q, \\ & & N &= F_{рез} \end{aligned}$$

$$\sum M = 0, \quad F_{\mu} \cdot r_{ш} = N \cdot K_{mp} \quad (3)$$

(3) тенгламага кучлар учун аввал олинган формулаларга кўйиб куйидагиларни оламиз:

$$C_x \cdot \pi \cdot r_{ш}^2 \frac{\rho_n \cdot V_{отм}^2}{2} \cdot r_{ш} = \frac{m \cdot V_{ш}^2}{R_{сп}} \cdot K_{mp} \quad (4)$$

$V_{отм} = V_n - V_{ш}$, билган ҳолда шарни оқимга нисбатан тезлиги

$$V_{ш} = \frac{V_n}{1 + \sqrt{\frac{2mK_{mp.кач}}{C_x \pi \cdot r_{ш}^3 \cdot \rho_n \cdot R_{сп}}}}, \quad (5)$$

Шарни ишлов берилаётган юзага қандай куч билан таъсир этаётганлигини тенглама (5) дан аниқлаш мумкин.

Марказдан қочма куч ёрдамида шарни юза қаламига сиқилишини куйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин

$$F_{цен} \frac{m_{ш} \cdot V_{ш}^2}{R_{сп}} = \frac{m \cdot V_n^2}{R_{сп}} \left(1 + \sqrt{\frac{2mK_{mp.кач}}{C_x \pi \cdot r_{ш}^3 \cdot \rho_n \cdot R_{сп}}} \right)^{-2} \quad (6)$$

Оқим тезлигини ошиши пропорционал равишда шарни ишлов бериладиган юзадаги ҳаракатини ортишига, у ўз навбатида шарни марказдан қочма куч ёрдамида юза қатламга сиқилишини ошишига олиб келади. Юза қатламида деформацияланиш жараёнини ўтиши ва унга шароит яратиш учун шар билан ишлов берилаётган юзани туташувида ҳосил бўладиган туташув кучланишини аниқлаш талаб этилади.

Масалани соддалаштириш учун куйидаги чекланишларни бажарамиз:

- юзани абсолют силлиқ ва тоза ҳисоблаймиз;
- юзага нисбатан ўқ бўйича ҳаракатланиш инобатга олинмайди.

Биз кўриб чиқаётган ҳолат учун (4) формулани таҳлили шуни кўрсатадики, $r_{ш}$ радиусли шар R радиусли цилиндрни ички юзаси билан туташганда юмалаб ишқаланиш коэффиценти шарик диаметрига, шарик диаметрини ишлов бериладиган детал радиуси нисбатига, туташувчи юзаларни эластиклик модулига, сиқиш ҳамда қатламни юза ғадир-будирлигининг катталигига боғлиқ. Туташув нукта ўлчамларини кичиклиги материалларни оқиш чегараси миқдорини, пластик деформациялаш механизмини жойлашишини бузилишига олиб келади. Турбулентли уюрмали оқим ва юза қатламни бир хилда жипс эмаслиги, шарикни юзага микро уришлари борлиги ва ишлов берилаётган юзада шарни юқори тезлик билан ҳаракатланиши натижасида материалнинг оқувчанлик даражаси пухталанишининг ортиб боришини таъкидлаб ўтилиши лозим.

Юқорида йўл кўйилган кўрсатмаларга асосан идеал ҳолат учун тебранишнинг ишқаланиш коэффиценти:

$$K_{mp} = K \cdot a, \quad (7)$$

бу ерда:

a – туташув майдонини айлана бўйича катталиги;

K – туташув майдонидаги шарларнинг тенг таъсир қилувчи босим кучи ҳолатини ҳисобга олувчи коэффициент ($0 < K < 1$).

Таъсир майдонининг айлана радиуси катталиги:

$$a = 0,9086 \sqrt[3]{\eta \cdot F_{uu} \cdot r_n}, \quad (8)$$

бу ерда:

r_n – туташуш нуқтасидаги шар ва цилиндрнинг келтирилган радиуси,

$r_n = \frac{R \cdot r}{R - r}$ га тенг, F_{uu} – шарни юзага сиқувчи марказдан қочма куч;

η – тегувчи таналарни таранглик доимийси;

$$\eta = \frac{1 - \nu_1^2}{E_1} + \frac{1 - \nu_2^2}{E_2} \quad (9)$$

бу ерда ν_1 , ν_2 , ва E_1 , E_2 – пуансон ва шарнинг таранглик модули коэффициентлари. Ўзаро таъсирланувчи таналарнинг таъсир кучланишини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\sigma = 0,5784 \sqrt[3]{\frac{F_u}{\eta^2 \cdot r_n^2}} \quad (10)$$

ёки

$$F_u = \frac{\sigma^3 \cdot \eta^2 \cdot r_n^2}{(0,5784)^3}$$

(9) ва (10)ларни (8)га қўйиб таъсир майдонини айланма радиусини топамиз.

$$\alpha = 0,9086 \sqrt{\frac{\sigma^3 \cdot \eta^2 \cdot r_n^2}{(0,5784)^3} \cdot \eta \cdot r_n} = 1,571 \cdot \sigma \cdot \eta \cdot r_n, \quad (11)$$


Умумий ҳолда (11) тенглама юқоридаги боғлиқликларни ҳисобга олиб қуйидагича ёзилади:

$$\frac{\sigma^3 \cdot \eta^2 \cdot r_n^2}{(0,5784)^3} = \frac{m \cdot V_n^2}{R \cdot \sqrt{\left(1 + \frac{2mK_{mp.кач}}{C_x \pi \cdot r_{uu}^3 \cdot \rho_n \cdot R_{сп}}\right)^2}}. \quad (12)$$

(12) га тебраниш ишқаланиш коэффициенти қийматини қўйиб, баъзи ўзгартиришлардан сўнг шарларнинг юза билан ўзаро туташувида юзага келувчи таъсир кучланишларни аниқлашга ёрдам берувчи боғлиқликни оламиз:

$$\sigma^3 = \frac{6318 \cdot V_n^2 \cdot r_{uu}^3}{\eta^2 \cdot r_n^2 \cdot R \cdot \left(1 + \sqrt{58190 \frac{K}{R} \sqrt{1.234 \sigma \cdot \eta \cdot r_n^2}}\right)^2}. \quad (13)$$

ЭХМ ни қўллаб (13) тенгламани ечиш қуйидаги параметрларда амалга оширилади: пўлат материалли шарнинг радиуси $r=0,5 \div 3,0$ мм, таранглик модули $E=2 \cdot 10^{11}$ Па, Пуансон коэффициенти $\nu=0,3$ цилиндр билан туташади ($R=10; 15; 20$ мм, $E=0,71 \cdot 10^{11}$ Па, $\nu=0,3$).



3-расм. Шар билан қатламнинг туташуви схемаси.
 а – идеал ҳолат учун; б – дефект қатламни ҳисобга олганда.

Реал шароитларда дефект қатламни мавжудлиги пластик деформацияланиш жараёнидаги кучланишлар катталигига сезиларли таъсир кўрсатади (ғадир-будирлик, оксид пленкалар, ифлосланиш ва ҳ.к.). Бунда микронотекисликлар чўққиси турли даражаларда жойлашади ва уларни пластик деформация зоналарида ҳосил бўлиши барча таъсир доғларида бир вақтда содир бўлмайди. Шарчанинг юза билан ўзаро таъсир ҳолатини, дефект қатламнинг мавжудлигини реал шароитларга яқин бўлишини ҳисобга олиб чиқамиз. 3,б-расмда микронотекислик қабарикларининг шар билан туташуви схемаси келтирилган. Аслида идеал ҳолатга қараганда реал шароитда ифлосланиш ва микротекисликлар мавжудлиги сабабли тебраниш ишқаланиш коэффициенти қиймати нисбатан юқори бўлади. 3,б- расмга мувофиқ тебраниш ишқаланиш коэффициенти :

$$K_{mp} = K \cdot A, \quad (14)$$

бу ерда:

K – таъсир майдонида шарнинг тенг таъсир қилувчи босим кучини ҳисобга олувчи коэффициент;

A – дефект қатламни ҳисобга олувчи майдон катталиги, бизнинг ҳолатда $A = R \cdot \sin(\alpha + \varphi)$ ёки $\alpha + \varphi$ кўринишда.

$$A = R (\alpha + \varphi). \quad (15)$$

ОВС учбурчакдан

$$\varphi = \frac{K}{r},$$

бу ерда

$$K = \frac{h}{\sin\left(\alpha + \frac{\varphi}{2}\right)} = \frac{h}{\alpha + \frac{\varphi}{2}}, \quad (16)$$

бу ерда h – дефект қатлам баладлиги

$$h = h_z + h_m, \text{ га тенг,}$$

бу ерда h_z – ифлосланган қатлам баладлиги; h_m – микронотекисликлар баландлиги.

Ўз навбатида

$$\varphi = \frac{h}{\left(\alpha + \frac{\varphi}{2}\right) \cdot r_n} \quad (17)$$

бу ерда r_n - келтирилган шар радиуси.

Мурраккаб бўлмаган ўзгартиришлардан сўнг

$$\varphi = \sqrt{\alpha^2 + \frac{2h}{r_n}} - \alpha, \quad (18)$$

(18)ни (15)га қўйиб ва $\alpha = \frac{a}{2}$ га тенглигини билган ҳолда дефект қатламни ҳисобга олиб таъсир майдонини катталигини топамиз:

$$A = \sqrt{a^2 + 2hr} , \quad (19)$$

бу ерда

h – дефект қатлам баландлиги;

a – таъсир майдоннинг айланма катталиги:

(18) ва (19)га қўйиб ифлосланиш ва микронотеккисликларни ҳисобга олган ҳолда тебраниш ишқаланиш коэффициенти куйидагича ёзилади.

$$K_{mp} = K \sqrt{a^2 + 2hr_n} , \quad (20)$$

(20)ни ҳисобга олиб (13) тенгламани реал ҳолат учун куйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\sigma^3 = \frac{6318 \cdot V_n^2 \cdot r_{uu}^3}{\eta^2 r_n^2 R \cdot \left(1 + \sqrt{58190 \frac{K}{R} \sqrt{1,234 \sigma^2 \eta^2 r_n^2 + h \cdot r_n}}\right)^2} . \quad (21)$$

$h \geq 1,0$ мкм – да куйидагича содалаштириш мумкин:


$$\sigma^3 = \frac{6318 \cdot V_n^2 \cdot r_{uu}^3}{\eta^2 r_n^2 R \cdot \left(1 + \sqrt{58190 \frac{K}{R} \sqrt{h \cdot r_n}}\right)^2} \quad (22)$$

ёки $r < R$ (10 мартадан ортиқ)


$$\sigma^3 = \frac{6318 \cdot V_n^2 \cdot r_{uu}}{\eta^2 \cdot R \cdot \left(1 + \sqrt{58190 \frac{K}{R} \sqrt{h \cdot r_n}}\right)^2} .$$

(22) тенгламани ечишда ЭХМни қўллаган ҳолда куйидаги параметрлар ораликларида олиб борилган: h – 0,2 мкм дан 10 мкм; R_{uu} – 0,5 мм дан 3,0 мм. R қийматни 10, 15, 20 мм га тенг деб оламиз.

4-расмда оқим тезлиги $V_n=90$ м/сек, ишлов бериладиган детал радиуси $R=20$ мм бўлганда шар радиусини контакт кучланишга таъсири келтирилган. Шар радиусини $R_m=2,5$ мм. гача ортиши уни деформациялаш таъсирини кўпайишига ва ўз навбатида контакт кучланишини ортишига олиб келади. Дефект қатлам h ни баландлиги кўпайиши контакт кучланишни камайтиради (5-расм).



4-расм. Шар радиусини контакт кучланишга таъсири ($V=90$ м/сек, $R=20$ мм)




5-расм. Дефект қатламни контакт кучланишга таъсири

Буни изоҳи шундан иборатки, туташувчи жисмларни яқинлашишига ишлов берилётган юза қатламидаги ифлосланиш ва сиқилган ҳаво оқимидаги сув парлари конденсати мавжудлиги микро ғадир-будирликларда пленка ҳосил қилиб туташувчи юзаларни яқинлашишига тўсқинлик қилади. (21) дан кўриниб турибдики, кучланиш қийматига таъсир этувчи асосий параметрлардан бири оқим тезлиги V_n .

5-расмдан кўриниб турибдики, оқим тезлигини ортиши билан контакт кучланишлар кўпаяди. Олинган натижаларга мувофиқдир оқим тезлигини ортиши шарни айланиш частотасини кўпайишига ва марказдан қочма куч таъсирида шарни юзага кўпроқ сиқилишига олиб келади. Контакт кучланишнинг қийматига таъсир этувчи параметрлардан бири ишлов берилётган детал радиусидир. Шар диаметрини $R=2,5$ мм гача ортиши, уни деформацияловчи ҳаракатини ва контакт кучланишларни ортиши олиб келади. Юқорида олинган назарий ва эксперимент натижалари шарни юзага қандай куч билан таъсир этаётганини ва шарни юза билан туташувидаги контакт кучланишни аниқлаши мумкин. Бу ўз навбатида ишлов берилётган детални бошланғич ҳолати ва оқувчанлик даражасига боғлиқлигига асосланиб пардозловчи – мустаҳкамловчи ишлов бериш маромларини танлаш имконини беради.

Технологик жараёнларни созлаш ва технологик жиҳозларни автоматик бошқариш тизимида ҳар хил автоматлаштирилган қурилмалар ишлатилади.


Пардозловчи – мустаҳкамловчи ишлов берувчи автоматлаштирилган технологик жиҳозларни бошқарув тизими механизмлар ва қурилмалардан ташкил топган бўлиб, уларни иши аниқ вақт бўйича бир-бири билан мослаштирилган бўлади. Пардозловчи – мустаҳкамловчи ишлов беришдаги берк занжирли бошқарув тизимини умумий схемаси 6-расмда келтирилган. У ўзини ичига: топшириқ берувчи (ТБ), ўзгарувчи (ўқ), иш бажарувчи (ИБ) ва қайта боғловчи (ҚБ) қурилмаларни олади.



6-расм. Пардозловчи-мустваҳкамловчи ишлов беришдаги берк занжирли бошқарув тизимини умумий схемаси

Цилиндрсимон деталларга пардозловчи-мустваҳкамловчи ишлов беришда топшириқ берувчи қурилма сифатида босим регуляторидан фойдаланилади. уюрмали камерага (ўзгартирувчи қурилма) кираётган ҳаво босими камера ичида айланма ҳаракатда бўлиб шарни айлантириш қувватига эга бўлган бошқарув сигналини беради. Қайта боғловчи алоқани мавжудлиги сигнални тўғрилаб турилишини таъминлайди.

Диссертациянинг «Цилиндрсимон ички юзаларга пардозловчи-мустваҳкамловчи ишлов беришда аэродинамик ҳаракатдаги автоматлаштирилган қурилмаларнинг параметрларини оптималлаштириш» деб номланган учинчи бобида ҳар хил қийматдаги босимда уюрмали камеранинг сопло кесимидаги статик босимни ўлчаш натижалари келтирилган. Кириш босимни ортиши камера деворларидаги статик босимни кўпайишга олиб келади. Уюрмали камера деворларида босимни ортиши оқимни радиал даражаланишини ва у ўз навбатида шарни айланиш майдонида уюрмали оқимни турбулентлигини ортишига олиб келади. Бу ўз навбатида юпқа деворли цилиндрсимон деталларга пардозловчи-мустваҳкамловчи ишлов беришда зарбалаш ҳолати рўй беради. Детал ўкига яқинлашиш сари статик босимни пасайишига ва уни миқдорини манфий (атмосфера босимидан оз) бўлишига олиб келади. Цилиндрсимон детал ўки бўйича манфий статик босимни сопло кесимида нисбатан тақсимланиши 7-расмда келтирилган.




7-расм. Сопло кесимидан уюрмали камерага ҳар хил босим берилганда статик босимни тақсимланиши.

$P_{вх}=0,2$ МПа; 2 - при $P_{вх}=0,3$ МПа

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, сопло кесимидан узоқлашиш атмосфера босими билан детал ўқидаги ΔP босим фарқи камайишига олиб келади.

Графикдан кўришиб турибдики, сопло кесимидан узоқлашиш манфий статик босим майдони текисланиб тўғриланишига олиб келади. Манфий статик босим майдонини сопло кесимидан $L/d=5$ масофада сақланиб қолиши жараёни секин ўтишига олиб келади. Шунинг учун детал диаметрини $2/3$ қисмини эгалланган майдонда атмосферадан ҳавони сўриш ҳолати рўй беради. Бу ҳолат ҳаво демпфери ҳосил бўлишига ва унинг натижасида шарларни юқорига ҳаракатланишига салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатдан қутилиш учун ишлов берилган детални юқори қисмига ўрнатилган сеткали ушлагични марказий қисмини $2/3$ ишлов берилган детал диаметрига тенг бўлагини беркитиш керак.



8-расм. Сопло кесимидан цилиндрсимон детал ўқи бўйича нисбий статик босимни тақсимланиши.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики босимни ўзгариши аэродинамик оқимни қайта тақсимланишига ва ўз навбатида ишлов бериладиган детал узунлигида шарни ҳар хил частотада бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, аэродинамик оқимда деформацияловчи шарларни бўлиши оқим ҳаракатини ўзгаришига, ўз навбатида эса шарларни айланиш частотасини ўзгаришига ва ишлов бериладиган детал узунлигида нотекисликлар ҳосил бўлишига олиб келади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, детал узунлигини ортиши шарикни айланиш частотасини камайтиради. Буни изоҳи шундан иборатки, ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи ва шарикни массаси оқим энергиясини камайтиради.

Пардозловчи – мустаҳкамловчи ишлов беришда юқори унумдорликка эришиш ва детал узунлиги бўйича талаб этилган сифат кўрсаткичини олиш бирданига кўп сонли шариклардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ярим фабрикатларни юзасига сифат бўйича қўйиладиган юқори талаблар ишлов бериш вақтини камайишига олиб келади, аммо олдинги жараёнга

кетадиган сарф-ҳаражатларни ошириб юборади. Мисол учун, диаметри 40 мм, узунлиги $L=200$ мм бўлган деталларни айланувчи шариклар ёрдамида ишлов берилганда ишлов бериш вақти $t=10\div 12$ минутни (думалатлаш меъёри $n=160-200$ айл/мин, $S=0,075$ мм/мин, ўтиш сони - 2) ташкил этади. Бизни ҳолат бўйича, юқориги детал учун ишлов бериш вақти $t=3$ мин. ташкил этади. Бундай таққослаш таклиф этилган усулни афзаллиги, қурилмани оддийлиги ва мосланувчанлигидан ташқари унумдорлиги билан фарқ қилади.

Ишлаб чиқаришни ривожланиши илмий-техника прогресси шароитида янги технологик жараёнларни яратишда тажриба тадқиқотларига бошқача ёндашишни тақозо этади. Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва оптиматлаштириш муаммоларини ечими топиш, объектларни бошқариш масалаларини статик ва динамикада кўриш талаб этилади. Улар статик тадқиқотда яхши ечимига эга бўлиб объектни бир тизими ҳисобланади, кириш ва чиқишга эга бўлади. Ишлов бериладиган деталларнинг чиқиш характеристикаларига таъсир этувчи меъёрий параметрларга уюрмали каллакнинг киришидаги сиқилган ҳаво P_{ex} босим, шариклар диаметри $d_{ш}$ ва сони N киради. Технологик жараённи ишлов бериладиган деталнинг нисбий узунлигида ишловдан кейин (R_a) чиқиш ғадир-будирлигини, шарик диаметри ($d_{ш}$), шариклар сони N ва кириш босимига боғлиқлиги кўриб чиқилган. Юқорида олиб борилган тадқиқотлар бизга шарик диаметри ($d_{ш}=1.6\div 3.5$ мм) ва кириш босимини ($P_{ex}=0.2-0,35$ МПа) ўзгартириш натижасида уларни чегарасини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Технологик жиҳозларни лойиҳалаш ва автоматлаштиришнинг замонавий муаммолари**» деб номланган тўртинчи бобда олиб борилган комплекс назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида технологик жиҳозлар ва деталларни тайёрлашни автоматлаштириш, ишлаб чиқилган муҳандислик методикаси, аэродинамик ҳаракатдаги технологик жиҳозни асосий базавий мақсадли механизмини лойиҳалаш масалалари ечилган. Талаб этилган унумдорликни ва мосланувчанликни таъминлаш мақсадида ва ишлов бериш вақти 2-3 дақиқани ташкил этишини инобатга олиб $P=4$ позицияли параллел компоновкага эга бўлган технологик жиҳозни схемаси танлаб олинган.

Ишлатиб келинаётган ишлов бериш технологиясини (айланувчан шар билан думалатиш) ўрнига аэродинамик ҳаракатдаги технологик жиҳозни тажрибавий ишлаб чиқариш нусхасини татбиқи бир позицияда ишлов бериш вақти камайиши муносабати билан даврий унумдорлик 4 марта ўсиши кузатилади.

Диссертациянинг «**Аэродинамик ҳаракат таъсирида автоматлаштирилган қурилмаларни яратиш ва ҳисоблашнинг назарий асослари**» деб номланган бешинчи бобда аниқланган назарий ва экспериментал натижаларнинг умумий хусусиялари, текис юзали маҳсулотларни юклашда вакуум-қамраш, донадор майда деталларни транспортировкаш ва уларни тақсимлаш, горизонтал ва вертикал ўқ бўйича тешиқларга парчинларни ўрнатиш қурилмаларини лойиҳалаш ва ҳисоблашнинг назарий асослари келтирилган. Уюрмали оқимни сўриш қобиляти турли конструкцияларни

